

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.30.08.2018.V.02.08 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ИСМАТОВА ЗУЛАЙХО АСАДОВНА**

**САНГЗОР ДАРЁСИ АЛЬГОФЛОРАСИ**

**03.00.05 – Ботаника**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Исматова Зулайхо Асадовна**

Сангзор дарёси альгофлораси ..... 5

**Исматова Зулайхо Асадовна**

Альгофлора реки Сангзар ..... 21

**Ismatova Zulaykho Asadovna**

Algal flora of river Sangzar ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.30.08.2018.V.02.08 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ИСМАТОВА ЗУЛАЙХО АСАДОВНА**

**САНГЗОР ДАРЁСИ АЛЬГОФЛОРАСИ**

**03.00.05 – Ботаника**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/B111 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада [www.samdu.uz](http://www.samdu.uz) манзилига ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Алимжанова Холисхон Алимжановна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Бўриев Сулаймон**  
биология фанлари доктори, профессор

**Хайдаров Хислат Қудратович**  
биология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.30.08.2018.B.02.08. рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «25.» декабр соат 14 00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Самарқанд давлат университети биология факультети биноси 2-қават мажлислар зали. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс (+99866) 239-11-40; E-mail: [devonxona@samdu.uz](mailto:devonxona@samdu.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99866) 239-11-51), E-mail: [m\\_nasrullaeva@mail.ru](mailto:m_nasrullaeva@mail.ru).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» декабр куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_-рақамли реестр баённомаси)

**З.Т. Ражамуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

**М.С. Кузиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD.

**Хайдаров Х.Қ.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёдаги иқлим ўзгаришлари, антропоген ва экологик омиллар таъсири натижасида табиий сув экотизимларида содир бўлаётган ўзгариш жараёнлари, хусусан, дарё ва сув ҳавзаларига таъсир этиши натижасида альгофлоранинг тур таркибига таъсир этиши кузатилмоқда. Шунинг учун табиий сув ҳавзалари биохилма-хиллигини ўрганиш, флорадаги турлар таркибини рўйхатга олиш, ҳолатини аниқлаш, ўсимликларнинг тур таркибини сақлаб қолиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Жаҳондаги альгофлористик тадқиқотлар табиий сув ҳавзаларининг таксономик хилма-хиллигини аниқлаш ҳамда антропоген босим кучли бўлган ҳудудларда альгофлораларнинг трансформацияси даражасини баҳолашга қаратилган. Бу борада, йирик шаҳар ҳудудларидан ўтувчи трансчегаравий дарёлардаги альгофлора хилма-хиллигининг ўзгариши аниқланди, трансформация даражасига таъсир этувчи омиллар баҳоланди ва сув ифлосланишида индикатор-сапроб турларнинг аҳамияти асосланди. Сангзор дарёси сувга тўйиниш манбасининг ўзига хослиги ва тоғ ҳудудида жойлашганлиги ундаги альгофлораси вакилларининг турли-туманлигига олиб келган. Сўнгги йилларда дарё ҳудудида аҳоли манзилларининг кўпайиши, чорва моллари бош сонининг ошиши ва оқова сувларининг унга ташланиши дарё альгофлорасини тубдан ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Шунга кўра, дарё альгофлораси замонавий тур таркибини аниқлаш, унга таъсир этувчи омилларни асослаш ва истиқболли турларнинг ишлаб чиқариш тармоқларида фойдаланиш имкониятларини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирда, республикамизда чучук сув ресурслари муҳофаза қилиш ва ўсимлик дунёси вакиллари биохилма-хиллигини сақлаб қолишга катта эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, истиқболли сувўтларининг хилма-хиллиги аниқлаш, коллекцияларини ташкил этиш ва сувўтлари ёрдамида оқова сувларни тозалашни амалиётга тадбиқ қилиш борасида муҳим натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «... атроф-муҳит ҳолатига зарар етказадиган муаммоларни олдини олиш, ирригация тармоқлари объектларини ривожлантириш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Сангзор дарёси альгофлорасини ўрганиш, таксономик таҳлил қилиш, уларнинг дарё оқимлари ва мавсумлар давомида, экологик омиллар таъсири натижасида ўзгариб боришини асослаш ва турлар таркибидаги индикатор-сапроб турлар орқали дарё сувининг экология-санитария ҳолатига баҳо бериш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тўғрисида» ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сув ҳавзалари альгофлорасининг таксономик таркибига қаратилган тадқиқотлар В. Zarei Darki (2004), D.D. Olding et al. (2000) ҳамда МДҲ мамлакатларида П.М. Царенко (2005), Н.А. Кожевникова (2000), В.Г. Девяткин (2003), З.П. Оғлы (2007) томонидан олиб борилган.

Илмий адабиётлар, яъни А.М. Музаффаров (1960, 1965, 1981), А.Э. Эргашев (1974, 1977), М.А. Қўчқорова (1974, 1990), С.А. Халилов (1971, 1976), Р.Ш. Шоякубов (1979), Р.Ш. Шоякубов ва бошқ. (1986, 1976, 1977), А.Е. Ельмуратов (1977), Ш.И. Коган (1972), Ш.И. Коган ва бош. (1985), Б.К. Каримова (1972, 1996), Х.А. Алимжанова (1991, 2005), Х.А. Алимжанова ва бошқ. (1990, 1996, 2008), М.А. Шайимкулова (2007), М.А. Шайимкулова ва бошқ. (2007), Н.Ш. Эшмуродова (2010), Х.Э. Эргашева (2017), Й.Ш. Ташпулатов (2018) ишлари таҳлилига кўра, Жиззах вилоятида асосий сув ҳавзаси ҳисобланган Сангзор дарёси альгофлораси шу кунга қадар умуман ўрганилмаган ва бу борада илмий адабиётларда маълумотлар келтирилмаган.

Шунинг учун Сангзор дарёси альгофлорасининг турлар таркиби, таксономик таҳлили, оқимлар бўйлаб тарқалиши, мавсумий ривожланиши, экологик ҳусусиятлари ҳамда дарёда тарқалган индикатор-сапроб сувўтлари орқали сувни экология-санитария ҳолатини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ботаника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А9-Т005 «Маҳаллий ва ўзга ҳудудлар флорасида учрайдиган истиқболли сувўтлари, реликт, камёб ва йўқолиш арафасида турган юксак сув ва сув-ботқоқ ўсимликлари турларини коллекциясини яратиш мақсадида уларни излаш ва танлаш» (2009-2011) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Сангзор дарёси альгофлораси турлар таркибини аниқлаш ва сувининг экология-санитария ҳолатини баҳолашда индикатор-сапроб турларнинг аҳамиятини асослашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Сангзор дарёси альгофлорасининг турлар таркибини аниқлаш ва таксономик таҳлил қилиш;

Сангзор дарёси сувўтларининг дарё оқимлари бўйлаб тарқалиш хусусиятларини ўрганиш, дарё оқимлари альгофлорасини қиёсий таҳлил қилиш;

Сангзор дарёси альгофлорасининг Ўрта Осиёдаги сув ҳавзалари альгофлораси билан қиёсий ўрганиш;

альгофлоранинг мавсумий ривожланишини ўрганиш;

альгофлоранинг оқим бўйлаб тарқалишига ва ривожланишига экологик омилларни ролини ўрганиш;

альгофлорадаги индикатор-сапроб турларнинг сувни сифатини баҳолашдаги аҳамиятини ўрганиш;

**Тадқиқотнинг объекти** Сангзор дарёси альгофлораси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Сангзор дарёси альгофлорасининг таксономияси, флористикаси, экологияси ҳамда сапроблиги ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда альгологик, гидробиологик ва статистик методлар, лаборатория таҳлиллари қўлланилган.

**Ишнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Сангзор дарёси альгофлорасидан илк маротаба 522 та тур ва тур хиллари аниқланган ва улар 7 бўлим, 14 та синф, 24 тартиб, 47 оила, 100 туркумга мансублиги асосланган;

илк бор Ўзбекистон сув ҳавзалари альгофлораси учун 71 та янги тур ва тур хиллари аниқланган бўлиб, улар Cyanophyta (1), Rhodophyta (2), Xanthophyta (6), Chrysophyta (2), Bacillariophyta (35), Euglenophyta (6) ҳамда Chlorophyta (19) бўлимларига мансублиги аниқланган;

илк бор альгофлоранинг дарё қисмларида ҳамда йил мавсумларида тарқалиш хусусиятлари асосланган;

дарё альгофлорасидаги эоальгоценозларни оқим ва мавсумий тақсимланишига экологик омилларнинг таъсири очиқ берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

илк маротаба Сангзор дарёси альгофлорасининг замонавий ҳолатини акс эттирувчи маълумотларнинг электрон базаси яратилган ва турларнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталари тузилган;

альгофлора таркибидан аниқланган 134 тур индикатор-сапроб сувўтлар: 27 та  $\chi$ -сапроб, 31 тур  $\delta$ -сапроб, 63 тур  $\beta$ -мезосапроб, 11 тур  $\alpha$ -мезосапроб, 2 тур  $\rho$ -сапроб турларнинг рўйхати тузилган ва сувнинг сапроблик индекси ( $S_i$ ) баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий усулларнинг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган маълумотларнинг давлат табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари фаолиятига киритилганлиги, йиғилган сувўтлар намуналарини «Сув ҳавзалари сувўтлар флораси» коллекцияси фондида сақланаётганлиги, тадқиқот натижаларининг тегишли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор Сангзор дарёси альгофлорасининг турлар таркиби аниқланиб, тўлиқ инвентаризация қилинганлиги, Ўзбекистон

сув ҳавзалари альгофлораси учун янги турларни қайд этилганлиги, дарё альгофлорасининг мавсумий ва оқим бўйлаб шаклланишида экологик омилларнинг ролини асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижаларни табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида сувнинг органик моддалар билан ифлосланишини кўрсатувчи индикатор-сапроб турлардан сувнинг сифатини аниқлаш ва сувнинг мавсумий ҳамда оқим бўйлаб ифлосланиш даражасини баҳолашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сангзор дарёси альгофлорасини тадқиқ қилиш доирасида олинган натижалар асосида:

134 тур ва тур хилларини ўз ичига олувчи Сангзор дарёси альгофлорасидаги индикатор-сапроб сувўтлари аниқлагичи ва ушбу турларнинг рўйхати, сувни ифлосланишини белгиловчи сифат ва микдорий хусусиятлари Жиззах вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2018 йил 05 майдаги 03-03/2-2605-сон маълумотномаси). Натижада Сангзор дарёси ва унга туташ бўлган табиий сув ҳавзаларини мавсумий ва оқим бўйлаб органик ифлосланиш даражаларини аниқлаш ва очиқ сув ҳавзалари тозалигини белгилаш имконини берган;

Сангзор дарёсидан йиғилган 340 дан ортиқ альгологик намуналаридан 522 тур ва тур хиллари рўйхати ва сувнинг ифлосланиш даражаси кўрсаткичлари ФА-Ф5-Т-230 «Сув ва қуруқлик экосистемаларида паразитар тизим таркибий қисмларининг шаклланиши ва ҳаракатланиш қонуниятлари» фундаментал лойиҳасида сув ҳавзаларидаги паразит организмларни ҳамда уларни дарё гидробионтлари қаторида тарқалишини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2018 йил 2 майдаги 4/1255-1143-сон маълумотномаси). Натижада сув ҳавзалари гидробионтлари билан бир қаторда учрайдиган паразит организмларнинг рўйхатини тузиш, уларнинг экологик хусусиятлари ҳамда сув ҳавзаларининг органик моддалар билан ифлосланишини баҳолаш имконини берган;

Сангзор дарёсидан йиғилган 340 альгологик намуналари ҳамда уларнинг 100 доимий препаратлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти «Сув ҳавзалари сувўтлар флораси» ноёб объекти коллекциясига топширилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 11 сентябрдаги 4/1255-2431-сон маълумотномаси). Натижада коллекциянинг «Ўзбекистон дарёлари сувўтлар флораси» фондини бойитган ва сувўтларининг ягона маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда иқтисодиёт тармоқларида фойдаланишда муҳим бўлган турларнинг тоза культураларини ажратиш олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 1 та халқаро ва 29 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш нашр этилган, шундан 1 таси монография ва



Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 14 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 5 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон табиий сув хавзалари альгофлорасининг ҳолати**» деб номланган биринчи бобининг биринчи бўлимида сув хавзаларида олиб борилган альгологик тадқиқотлар таҳлиллари келтириб ўтилган. Таҳлиллар натижаларига кўра Сангзор дарёси илгари ўрганилмаган бўлиб, илк маротаба унинг альгофлораси тадқиқ қилинган. Иккинчи бўлимида тадқиқотнинг объекти, материаллари ва ўрганиш услублари ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқотлар ва илмий экспедициялар (2009-2017 йй.) давомида 340 дан ортиқ альгологик намуналар (130 фитопланктон, 130 фитобентос, 80 перифитон) йиғилган (1-расм).

Материалларни йиғиш ва уларнинг лаборатория таҳлиллари умумқабул қилинган альгологик (Жузье ва бошқ., 1949; Голлербах, Полянский, 1951) ва гидробиологик тадқиқот услубларида олиб борилди. Таксономик бирликлар алоҳида бўлимлар бўйича аниқлагичлар (Голлербах, Полянский, 1951; Мошкова, Голлербах, 1986; Музафаров, Эргашев, Халилов, 1988; Халилов ва бошқ. 2009) асосида аниқланган. Сувўтлар таксономиясига киритилган ўзгаришлардан (Вассер ва бошқ., (1989), D.D. Olding et al (2000), B. Zarei Darki (2004)) мазкур ишда фойдаланилди. Диатом турларнинг доимий препаратлари В.С. Шещукова (1949) методида тайёрланган. Қиёсий таҳлиллар Jaccard (Шмидт, 1974), сувўтларнинг сапроблиги хусусиятлари R. Kolkwitz, M. Marsson (1908, 1909), Г.И. Долгов, Я.Я. Никитинский (1927), V. Sladeczek (1961, 1973), R. Pantle et N. Bukk (1955) формулалари бўйича ҳамда Жукинский ва бошқ. (1981) услубида аниқланди. Дарё сувининг гидрокимёвий таркиби ЎзГМИТИнинг кўп йиллик (2009-2016 йй.) маълумотлари асосида таҳлил этилди. Учинчи бўлимида худуднинг географик ўрни, иклими, ерусти ва ерости сувлари тўғрисида маълумотлар баён этилган.



**1-расм. Сангзор дарёсининг харита-схемаси:**

Δ-кузатув нукталари. 1-КН – Зомин давлат кўриқхонаси; 2-КН – Музбулок; 3-КН – Қирқ; 4-КН – Жадик; 5-КН – Сутлибулок; 6-КН – Удамали; 7-КН – Чукуллок; 8-КН – Заргар; 9-КН – Қорасой; 10-КН – Жиззах шаҳри; 11-12-КН – Қли коллектори.

Диссертациянинг «Сангзор дарёси альгофлорасининг таксономик таҳлили» деб номланган иккинчи бобида Сангзор дарёси альгофлорасининг таркиби ва таксономик таҳлили, етакчи таксонларининг таҳлили, сувўтларнинг тарқалиш хусусиятлари ҳамда қиёсий таҳлиллар баён этилган.

Биринчи бўлимда Сангзор дарёси альгофлорасида таксономик таркиби ва таҳлили келтирилган. Аниқланган 522 тур ва тур хиллари (358 тур, 144 вариация, 20 форма) 100 туркум, 47 оила, 24 тартиб, 15 синф, 7 бўлимга мансуб (1-жадвал). Сувўтлар бўлимлари орасида Bacillariophyta 355 (213 тур, 131 вариация, 11 форма) тури билан етакчилик қилиб, жами альгофлорани 68% ни ташкил этди.

Сувўтлари ичида турлар таркибининг хилма-хиллиги билан иккинчи ўринда Chlorophyta бўлимининг 85 тур ва тур хиллари (тур-73, вариация-11, форма-1) ташкил қилиб, умумий турлар сонига нисбатан 16,28% ни ташкил этади. Кейинги ўринларни Cyanophyta (56 тур, 10,72%), Euglenophyta (15 тур; 2,87%), Xanthophyta (7 тур, 1,34%), Chrysophyta (2 тур, 0,38%), Rhodophyta (2 тур, 0,38%) бўлимлари эгаллади.

Альгофлорадаги етакчи синфлар Pennatophyceae (331), Conjugatophyceae (47), Chroococcophyceae (35), Centrophyceae (24), Hormogoniophyceae (21) Chlorococcophyceae (15), Ulotrichophyceae (15), Euglenophyceae (15) лар ҳисобланиб, улар ўзида 503 (96%) турни бирлаштирди. Етакчи тартиблар:

Rhaphinales (277), Araphinales (54), Chroococcales (34), Zygnematales (24), Discoidales (23), Desmidiaceae (23), Chlorococcales (15), Euglenales (15), Oscillatoriales Elenk. (13), Ulotrichales (13) лар бўлиб, жами альгофлорани 491 турига (94%) эгалик қилди.

### 1-жадвал

#### Сангзор дарёси альгофлорасининг таксономик таркиби

Сувўтлари бўлими	Таксономик бирликлар сони								
	Синф	Тартиб	Оила	Туркум	Тур	Тур хили		Жами тур ва тур хиллари	Умумий сонга нисбатан % ҳисобида
						Вариация	Форма		
Cyanophyta	2	4	9	17	48	-	8	56	10,72
Rhodophyta	1	1	1	2	2	-	-	2	0,38
Xanthophyta	2	3	4	4	7	-	-	7	1,34
Chrysophyta	1	1	1	2	2	-	-	2	0,38
Bacillariophyta	2	4	10	37	213	131	11	355	68,0
Euglenophyta	1	1	2	5	13	2	-	15	2,87
Chlorophyta	6	10	20	33	73	11	1	85	16,28
<b>Жами:</b>	<b>15</b>	<b>24</b>	<b>47</b>	<b>100</b>	<b>358</b>	<b>144</b>	<b>20</b>	<b>522</b>	<b>100</b>

Альгофлорада етакчи оилалар *Naviculaceae* West.(205), *Fragilariaceae* (Kuetz.) D.T. (53), *Nitzschiaceae* Hass. (39), *Coscinodiscaceae* Kuetz. (23), *Desmidiaceae* Ralfs. (22), *Spirogyraceae* Randh. (18), *Surirellaceae* (Kuetz.) Grun. (15), *Oscillatoriaceae* (Kirchn.) Elenk. (13), *Euglenaceae* Klebs. (13), *Gloeocapsaceae* Elenk.et Hollerb. (11) лар бўлиб, жами альгофлорани 412 турини (78%), туркумлардан *Navicula* Bory. (73), *Cymbella* Ag. (39), *Nitzschia* Hass. (38), *Fragilaria* Lungb. (21), *Achnanthes* Bory. (21), *Synedra* Ehr. (20), *Gomphonema* Ag. (20), *Spirogyra* Link. (18), *Cosmarium* Corda. (17), *Cyclotella* Kuetz. (15), *Surirella* Turp. (14), *Gyrosigma* Hass. (12), *Gloeocapsa* (Kuetz.) Hollerb. (10), *Trachelomonas* Ehr. (10) лар бўлиб, жами альгофлорани 328 турини (62%) ташкил қилди.

Иккинчи бўлимда Сангзор дарёсининг оқимлари бўйича флористик таҳлили келтирилган бўлиб, сувўтларининг дарё қисмлари бўйлаб тарқалишида турлар сони ва хилма-хиллигининг юқори (282) ва қуйи (188) қисмларга нисбатан ўрта қисмида (351) ортиб бориши аниқланди (2-жадвал).

Дарёнинг юқори қисмида ўрта қисм томон турлар сонининг ортиб бориши атрофдан дарёга қуйиладиган катта кичик сув манбалари, ҳамда сувнинг ҳарорати, минераллар миқдорининг ортиши ҳисобга бўлса, қуйи қисм томон турлар сонининг камайиши сув тиниқлигининг пасайиши, дарё сувининг органик ва минераллар таркибининг ортиши билан изоҳланади.

## Альгофлорада сувўтларнинг оқим бўйлаб тарқалиши

Сувўтлари бўлими	Юқори қисм	Ўрта қисм	Қуйи қисм
Cyanophyta	26	34	9
Rhodophyta	-	1	1
Xanthophyta	4	-	4
Chrysophyta	-	2	-
Bacillariophyta	211	241	159
Euglenophyta	4	10	4
Chlorophyta	37	63	11
<b>Жами:</b>	<b>282</b>	<b>351</b>	<b>188</b>

Диссертациянинг «Сангзор дарёси альгофлорасининг қиёсий таҳлили» деб номланган учинчи бобида Сангзор дарёсининг қуйи қисми ўрта ва юқори қисм альгофлораси билан қиёсланган ва дарё альгофлорасининг умумийлик коэффиценти (ФУК) Жаккар формуласи асосида аниқланган.

Олинган натижаларга кўра дарёнинг юқори ва ўрта қисмлари альгофлорасининг умумийлик коэффиценти Жаккар формуласи бўйича 0,35 га; юқори ва қуйи қисмларда 0,28 га; ўрта ва қуйи қисмларда 0,29 га тенглиги кузатилди.

Қиёсий таҳлиллар, мавжуд монография ва аниқлагичларни ўрганиш натижаларига кўра, бошқа сув ҳавзалари альгофлораси билан бир қатор ўхшаш турлар аниқланиши билан бирга Ўзбекистон сув ҳавзалари учун 71та янги турлари аниқланди. Улар қуйидагилар: Cyanophyta-1 та, Rhodophyta-2 та, Xanthophyta-6 та, Chrysophyta-2 та, Bacillariophyta-35 та, Euglenophyta-6 та, Chlorophyta-19 та. Аниқланган сувўтлари таксономик таҳлилга кўра 7 бўлим, 13 синф, 16 тартиб, 23 оила, 38 туркум, 71 турлардан иборат (3-жадвал).

## Сангзор дарёсидан аниқланган Ўзбекистон сув ҳавзалари учун илк бор қайд этилган сувўтларнинг таксономик таркиби

Бўлим	Синф	Тартиб	Оила	Туркум	Тур
Cyanophyta	1	1	1	1	1
Rhodophyta	1	1	1	2	2
Xanthophyta	2	3	4	4	6
Chrysophyta	1	1	1	2	2
Bacillariophyta	2	3	7	15	35
Euglenophyta	1	1	2	2	6
Chlorophyta	5	6	7	12	19
<b>Жами:</b>	13	16	23	38	71

Сангзор дарёсининг илк мартаба ўрганилаётганлиги ҳамда унга қуйиладиган турли сув ҳавзаларининг альгофлоралари ўрганилмаганлиги,

Сангзор дарёсининг ўзига хос экологик шароитининг мавжудлиги Ўзбекистон сув ҳавзаларида учун янги турларни учраганлигини изоҳлайди.

Диссертациянинг «Сангзор дарёси альгофлорасининг экологик таҳлили» деб номланган тўртинчи бобида сувўтларнинг тарқалиши ва ривожланишига ташқи муҳит омилларининг таъсири, экоальгоценозлари, уларнинг таҳлили, экологик хусусиятлари ҳамда дарё альгофлорасининг мавсумий ўзгаришлари ёритилган.

Биринчи бўлимда сувўтларнинг тарқалиши ва ривожланишига қатор экологик омилларнинг таъсири баён этилган. Дарёнинг юқори қисмида кўпроқ совуксевар тури куйига қараб борган сари эса иссиқсевар турлари тарқалган. Сангзор дарёсининг иссиқлик даражаси ҳар хил булган кузатув нуқталарида, ҳар хил экологик кенглик ва омилларга мослаша оладиган турлари сони кам бўлиб, маълум бир ҳарорат, экологик омиллар таъсирида яхши ривожланадиган стенотермлар сони кўпчиликни яъни 454 тани ташкил этади. Улардан: кўк-яшиллар 56 та, қизил 2, сариқ-яшил 7, тилларанг 2, диатом 296, эвглена 15, яшил 76 тур ва тур хиллари учради. Эвритерм сувўтлари 68 та бўлиб, уларнинг 59 тури диатом, 9 тури яшил сувўтларига мансуб.

Дарё оқими бўйлаб сувнинг минераллашуви альфа-гипогалиндан альфа-олигогалингача ўзгариб боради. Бу эса дарёдаги сувўтлари сонининг ўзгаришига ва тарқалишига таъсир этади. Сангзор дарёсида аниқланган сувўтларининг тақсимланиши юқори қисмда стеногалин турларнинг кўп учраши ва куйига томон чучук-шўртоброқ турлар сонининг ортиб бориши сувнинг минералланиши ва муаллақ заррачаларнинг сувдаги миқдорига боғлиқ эканлиги аниқланди. Дарёнинг дастлабки нуқталарда чучуксув сувўтларидан *Didymosphenia geminata* (Lyngb.) M. Schmidt., *Melosira undulata* (Ehr.) Kuetz., ўрта нуқталарида *Nitzschia sigmoidea* (Ehr) W. Sm., *Synedra ulna* (Nitzsch.) Erh., *Navicula pupula* Kuetz., *Gyrosigma acuminatum* (Kuetz.) Rabenh. каби чучук-шўртоб ва куйи нуқталарда *Synedra tabulata* (Ag.) Kuetz., *Gyrosigma Spencersi* (W.Sm.) Cl. сингари шўртоб сувўтлари аниқланди. Баҳор ва кузда диатом сувўтларининг авж олиб ривожланишининг асосий сабаби иссиқлик билан асосий озиқ элементлари ҳамда, кремний тузлари миқдорининг ортиши ҳисобланади. Дарёда темирнинг миқдори 0,1-0,6 мг/л оралиғида бўлиши кузатилади. Бу дарёда *Cladophora fracta* (Mull.ex Vahl.) Kuetz., *C. glomerata* (L.) Kuetz., *Draparnaldiella simplex* (Meyen.) Meyen. et Scabitsch., *Ulothrix moniliformis* Kuetz., *U. tenerrima* Kuetz., *U. mucosa* Thur., *U. zonata* (Web. et Mohr.) Kuetz., *U. zonata* var. *atenuata* (Kuetz.) Rabenh., *U. zonata* var. *pectinalis* (Kuetz.) Rabenh. каби турларнинг ривожланишини таъминлайди.

Иккинчи бўлимда сувнинг ҳарорати, оқим тезлиги, тиниқлик ва рН каби экологик омиллар дарё альгофлорасининг мавсумий ўзгаришларига таъсири ёритилган. Баҳорда сувнинг ҳарорати оқим бўйлаб 13° – 21° С гача, тиниқлик 2-8 см гача, куйи қисмда эса суви лойқа (тўқ жигар рангда) булиши, рН 6, оқим тезлиги 1,4-0,6 м/сек гача ўзгариб борди. Бу пайтда сувўтларнинг 99 тур ва тур хиллари аниқланди (4-жадвал).

Аниқланган тур ва тур хилларининг 5 тури кўк-яшил, 85 диатом, 9 эвглена, 1 яшил сувўтлари бўлиб, қизил, сариқ, тилларанг бўлими сувўтлари учрамади.

Ёзда ҳарорат оқим бўйлаб 15° – 28° С гача, дарёнинг юқори ва ўрта қисми суви тубигача тиниқ бўлиб, қуйи қисмида 5-40 см, рН-6, оқим тезлиги 0,5-1,6 м/сек. гача ўзгарди. Диатом, яшил ва кўк-яшил сувўтларнинг жадал ривожланиши кузатилди. Бу пайтда сувўтларнинг 251 турлари аниқланди. Оқим бўйлаб турлар сони 194-224-132 тага ўзгариб борди. Бу даврда барча бўлимларга мансуб турлар аниқланди: кўк-яшил 24 тур, қизил 2, тилларанг 2, сариқ-яшил 6, диатом 213, эвглена 4, яшил 61 тур.

Куз мавсумида оқим бўйлаб сувнинг ҳарорати 9° – 22° С, рН-6, оқим тезлиги 0,5-1,6 м/сек., юқори ва ўрта қисмларда сув тиниқлиги 100%. Қуйи қисмда сувнинг тиниқлиги 14-25 см оралигида ўзгариб боради. Бу пайтда кўк-яшил, диатом ва яшил сувўтларнинг турлари камайди; эвгленалар сони ўзгармади. Кўк-яшил сувўтларининг 25, сариқ-яшил сувўтларининг 1, диатомларнинг 180, эвгленалардан 4, яшил сувўтларининг 33, жами 210 тур ва тур хиллари аниқланди. Улар оқим бўйлаб 163-181-112 тани ташкил этди.

#### 4-жадвал

#### Альгофлоранинг оқим бўйлаб мавсумий тақсимланиши

Сувўтлари бўлими	Баҳор			Ёз			Куз			Қиш		
	Юқори қисм	Ўрта қисм	Қуйи қисм	Юқори қисм	Ўрта қисм	Қуйи қисм	Юқори қисм	Ўрта қисм	Қуйи қисм	Юқори қисм	Ўрта қисм	Қуйи қисм
Cyanophyta	3	5	-	8	17	9	16	12	1	5	4	-
Rhodophyta	-	-	-	-	1	1	-	-	-	-	-	-
Xanthophyta	-	-	-	3	-	4	1	-	-	-	-	-
Chrysophyta	-	-	-	-	2	-	-	-	-	-	-	-
Bacillariophyta	57	71	59	154	159	109	125	139	104	105	125	92
Euglenophyta	3	7	2	2	2	1	1	3	1	-	-	-
Chlorophyta	-	1	-	27	43	8	20	27	6	6	13	2
<b>Жами:</b>	<b>63</b>	<b>84</b>	<b>61</b>	<b>194</b>	<b>224</b>	<b>132</b>	<b>163</b>	<b>181</b>	<b>112</b>	<b>116</b>	<b>142</b>	<b>95</b>

Қиш мавсумида дарё оқимлари бўйлаб сувнинг ҳарорати 2° – 12° С, рН-6, оқим тезлиги 0,8-1,5 м/сек., юқори ва ўрта қисмларда дарё суви тубигача тиниқ бўлади. Қуйи қисмда сувнинг тиниқлиги 8-18 см оралигида ўзгариб боради. Бу мавсумда қуёш нурининг камайиши, ҳароратнинг пасайиши сувўтларининг ривожланишида ноқулайликлар туғдиради. Қишда диатом (149 та) сувўтлари турлари бошқа бўлим сувўтларига қараганда кўпроқ учрайди ва яхши ривожланади. Айниқса, тоза сувларда яхши ривожланадиган *Symbella* Ag. туркумининг турлари 39 бўлиб, улар қиш фаслида дарё суви тезлигининг камайиши, сув тиниқлигининг ортиши ҳисобига яхши ривожланади. Шулардан 11 тури совуксевар ҳисобланиб, қиш мавсумида яхши ривожланади. Диатом сувўтларидан ташқари кўк-яшил сувўтларининг 8 та, яшил сувўтларининг 14, жами 157 та тур ва тур хиллари

учради. Бу мавсумда қизил, сариқ, тилларанг ва эвглена сувўтлари тиним даврига ўтади.

Сувўтларнинг дарё оқими бўйлаб турлар сонини дастлабки нуқталардан ўрта нуқталар томон ортиб боришини сувнинг ҳарорати, тиниқлиги ва минераллар миқдорининг ошиши, қуйи нуқталар томон камайишига эса сув тиниқлигининг пасайиши, минерал ва органик моддалар миқдорининг ошиши сабаб бўлди.

Учинчи бўлимда альгофлоранинг экологоценозлари таҳлил этилган. Альгофлорада фитопланктон сувўтларининг 161 та, фитобентос сувўтларининг 386, перифитон сувўтларининг 258 турлари учради. Баҳор мавсумида Сангзор дарёсида оқим тезлиги ва сув тиниқлигининг паст бўлиши ҳисобига фитопланктон сувўтларининг (48) бошқа мавсумларга караганда турлар сонининг кам учраши кузатилади. Ёз (112) ва куз (74) мавсумларида ҳароратнинг ортиб бориши, сув тиниқлиги ва ёруғликнинг дарё тубигача кириб бориши ҳисобига турлар сонининг ортиши, қишда (55) сув ҳароратининг паст бўлиши турлар сонининг кескин камайишини таъминлайди (5-жадвал). Фитопланктон сувўтлари сув хавзасида ёруғликнинг кириб боришига қараб турлича тарқалган бўлади. Дарёнинг юқори қисмида фитопланктонларнинг 88 тури аниқланди. Ўрта қисм томон дарё суви тиниқлигининг ортиб бориши, маълум даражада оқим тезлигининг камайиши фитопланктонларнинг жадал ривожланишини таъминлаган бўлиб, уларнинг 116 турлари аниқланди. Қуйи қисмда сув тиниқлигининг пасайиши, дарё узанининг қисқариши натижасида оқим тезлигининг ортиши фитопланктонларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бу қисмда сувўтларининг жами 75 тури аниқланди. Дарёнинг юқори қисмида фитопланктонларнинг 88 тури учради. Ўрта қисм томон дарё суви тиниқлигининг ортиб бориши фитопланктонларнинг ривожланишини таъминлаган бўлиб, уларнинг 116 турлари аниқланган. Қуйи оқимда сув тиниқлигининг пасайиши фитопланктонларнинг ривожланишига салбий таъсир этиши натижасида турлар сони 75 тага камайиши кузатилди.

#### 5-жадвал

#### Фитопланктон сувўтларининг мавсумий ва оқим бўйлаб тақсимланиши

Сувўтлари бўлими	Фасллардаги турлар сони				Дарё қисмларидаги турлар сони		
	Баҳор	Ёз	Куз	Қиш	Юқори	Ўрта	Қуйи
Cyanophyta	4	18	16	8	21	27	5
Rhodophyta	-	-	-	-	-	-	-
Xanthophyta	-	1	-	-	-	-	1
Chrysophyta	-	2	-	-	-	2	-
Bacillariophyta	40	72	54	45	60	70	52
Euglenophyta	4	2	4	-	2	5	3
Chlorophyta	-	17	-	2	5	12	2

Фитобентоснинг ривожланиши учун энг муҳим омилларидан бири ёруғлик ҳисобланади. Дарёда тарқалган фитобентос сувўтларининг сув тиниқлигининг пастлиги ҳисобига баҳор (74) фаслида кам учрайди. Бу пайтда альгоценознинг асосий қисмини диатом сувўтлари эгаллайди (69-93%). Фитобентос сувўтларининг энг кўп учраган даври ёз мавсумига (244) тўғри келади ва бу мавсумда дарё суви тиниқлигининг ва ҳароратнинг ортиши ҳисобига дарёда нафақат диатомлар балки яшил, кўк-яшил сувўтларининг жадал ривожланиши кузатилди.

Фитобентос сувўтларининг асосий қисми дарёнинг ўрта (269) ва юқори (230) қисмларида учраб, қуйи (160) қисмга томон камайиб боради. Перифитон сувўтларидан юқори қисмдан 162 та, ўртада 194 та, қуйи қисмда 117 та турлари аниқланди.

Диссертациянинг «Сангзор дарёси индикатор-сапроб турлари ва улардан сувнинг сифатини баҳолашда фойдаланиш» деб номланган бешинчи бобида индикатор-сапроб турларнинг таксономик таҳлили, уларнинг йил фаслларида тақсимланиши, сапроблик индекси, дарё оқими бўйлаб тарқалиш хусусиятлари, дарё сувининг санитария ҳолатини мавсумий ва оқим бўйлаб баҳолашда индикатор-сапроб сувўтларнинг роли келтирилган.

Биринчи бўлимда индикатор-сапроб турлар таксономик таҳлил қилинган. Унга кўра альгофлора таркибидаги 134 та индикатор-сапроблар турлар 6 бўлим, 11 синф, 17 тартиб, 28 оила, 53 туркумга мансуб. Бу жами альгофлорани 25,67% ни ташкил этган.

Аниқланган сувўтлари ичида тур ва тур хилларининг сонига нисбатан етакчи ўринда диатомлар эгаллайди. Диатом сувўтларининг 93 тури индикатор-сапроб сувўтлари бўлиб, 69,40 % ни ташкил этади. Навбатдаги ўринда яшил сувўтлари бўлиб, 18 турдан ташкил топган ва 13,43 % ни эгаллади. Кўк-яшил сувўтлари 15 (11,19 %) ва эвглена сувўтларининг 6 (4,48%) тури аниқланди.

Уларнинг 27 тури  $\chi$ -сапроб, 31  $\delta$ -сапроб, 63  $\beta$ -мезосапроб, 11  $\alpha$ -мезосапроб ва 2 тури  $\rho$ -сапроблардир (6-жадвал).

Иккинчи бўлимда индикатор-сапроб сувўтларнинг йил фаслари бўйлаб тарқалишига оид маълумотлар ўрин олган. Баҳорги ёғинлар таъсирида дарёга атрофдан турли органик моддалар тушишининг ортиши ва ҳарорат нисбатан пастлиги натижасида тоза сувларга хос бўлган ксенасапроб сувўтлари кам, бета-мезосапроб ва альфа-мезосапроб турларининг миқдори кўп бўлиши кузатилди. Ёзда дарё суви ҳароратнинг бошқа фаслларга нисбатан юқори бўлиши (13° – 21° С) сувўтлар сони ортишига (251 тур) олиб келди. Ҳарорат ва қуёш нури жадаллиги юқорилиги сувга сувўтлар томонидан кўп миқдорда кислород ажралиб чиқишини таъминлайди. Бу сувдаги органик моддаларнинг парчаланишини тезлаштиради. Натижада сувдаги органик моддалар нисбатан камаяди. Бу ксенасапроб турларнинг сони ортишига ва бета-мезосапроб ва альфа-мезосапроб турларининг учраш даражаси камайишига сабаб бўлади.



**Альгофлорадаги индикатор-сапроб гуруҳларнинг бўлимлар бўйича тақсимланиши**

№	Сувўтлар бўлимлари	Индикатор-сапроб турлар сони					Умумий сони	%
		χ	δ	β	α	ρ		
1	Cyanophyta	2	1	12	-	-	15	<b>11,19</b>
2	Rhodophyta	-	-	-	-	-	-	-
3	Xanthophyta	1	-	-	-	-	1	<b>0,75</b>
4	Chrysophyta	-	1	-	-	-	1	<b>0,75</b>
5	Bacillariophyta	22	22	41	8	-	93	<b>69,40</b>
6	Euglenophyta	-	1	4	1	-	6	<b>4,48</b>
7	Chlorophyta	2	6	6	2	2	18	<b>13,43</b>
<b>Жами:</b>		<b>27</b>	<b>31</b>	<b>63</b>	<b>11</b>	<b>2</b>	<b>134</b>	<b>100</b>
<b>%</b>		<b>20,15</b>	<b>23,14</b>	<b>47,01</b>	<b>8,20</b>	<b>1,5</b>	<b>100</b>	

Кузда ҳам ёғинлар кўпайиши ва сув ҳарорати (9° – 22°С) нисбатан пастлиги ксенасапроб сувўтлар сони камайишига олиб келган. Қишдаги паст ҳарорат (2° – 12°С) индикатор-сапроб турларнинг ривожланишини чеклайди.

Учинчи бўлимда индикатор-сапроб турларнинг оқимлар бўйлаб тарқалиш хусусиятлари баён қилинган. Дарёда тарқалган тоза сувларга хос ксеносапроб турлари сони юқори қисмдан қуйи қисмга томон камайиб (21-19-13) боради. Дарёнинг юқори оқимида дарёга келиб қуйиладиган ирмоқларнинг барчаси аҳоли яшаш пунктларидан оқиб ўтиши ҳисобига дарёнинг бу қисмида ҳам бета-мезосапроб сувўтларининг 37, альфа-мезосапроб турларининг 8 тури учраши кузатилди. Оқова сувларнинг дарёга қуйилиши натижасида дарёнинг ўрта қисмига яқин қисмида полисапроб сувўтларидан *Chlorella vulgaris* Beijerinck., ўрта қисмининг бошланишида *Chlorella vulgaris* Beijerinck. ва *Ch. pyrenoidosa* Chick. турларининг учраши кузатилди. Кейинги кузатув нуқталарида бу турларнинг йўқолиб кетишини дарёнинг туби кум-шағал билан қопланганлиги, сувдаги баъзи оғир элементларни ушлаб қолиши ва сув табиий тозаланиши билан изоҳлаш мумкин.

Дарёнинг қишлоқлар оралиғидан оқиб ўтиши, унга қуйиладиган оқова сувлар ва унга ташланадиган органик ахлатлар ҳисобига дарёнинг ўрта оқимида келиб органик моддалар миқдори ошиши ҳисобига Euglenophyta бўлими индикатор-сапроб турларидан *Trachelomonas bulla* Stein., *T. cylindrica* Ehr. sec. Playf., *T. hexangulata* Swir., *Euglena clara* Skuja. турлари учраши, бета-мезосапроб турларининг ортиши кузатилди. Дарёнинг бу қисмида бета-мезосапроб турларининг *Merismopedia glauca* (Ehr.)Naeg., *Nostoc linckia* Roth. Born. et Thuret., *Oscillatoria amphibia* Ag., *Amphora normanii* Rabenh., *Nitzschia linearis* W.Sm. каби 44 хил турлари, альфа-мезосапроб турларининг *Synedra tabulata* (Ag.) Kuetz., *Navicula viridula* Kuetz., *Stigeoclonium tenue* (Ag.) Kuetz. сингари 7 тури, олигасапроб сувўтларининг – *Fragilaria crotonensis* Kitt., *Navicula radiosa* Kuetz., *Nitzschia fonticola* Grun., *N. linearis* W.Sm., *Euglena*

*clara* Skuja., *Ulothrix zonata* var. *attenuata* (Kuetz.) Rabenh., *Spirogyra fluviatilis* Hilse. каби 21 тури учради.

Дарёнинг қуйи оқимида келиб Туятортар каналининг қуйилиши, Жиззах шаҳрига келиб дарё сувининг ариқларга бўлиниб маҳаллаларга тақсимланиши, Қли коллекторига оқова ва зовур сувларининг қуйилиши ҳисобига турлар сонининг камайиши кузатилсада бу қисмда учраган индикатор-сапроб турларнинг миқдори кўп бўлиши аниқланди. Бунга бета-мезосапроб турларидан – *Synedra berolinensis* Lemm., *Gomphonema constrictum* Ehr., *Gyrosigma acuminatum* (Kuetz.) Rabenh., *Cladophora fracta* (Mull. ex Vahl.) Kuetz., *C. glomerata* (L.) Kuetz., альфа-мезосапроб турларининг *Enteromorpha intestinales* (L.) Link. жадал ривожланган. Уларнинг сони 63 тани ташкил этиб, дарё қуйи қисми альгофлорасининг 33,51% эгаллаган. Қуйи оқимга келиб ксеносапроб сувўтлари сони камайиб 13 тани, олигасапроблар 14 тани, 30 та бета-мезосапроб ва 6 та альфа-мезосапроб турларини ташкил килди.

Тўртинчи бўлимда дарё сувининг санитария ҳолатини баҳолашда индикатор-сапроб сувўтларнинг роли ёритилган. Дарёдаги сапроблик индекси оқим бўйлаб ортиб борди, бу ўша жойда учраган сувўтларнинг сапроблик даражаларига боғлиқ. Юқори оқимдан ўрта оқимга қараб турлар сонининг ортиб бориши ва қуйи оқимга қараб миқдори камайиб борсада қуйи қисмда β-, α-мезосапроб турлар сони кўпроқ бўлиши билан характерланади (7-жадвал).

#### 7-жадвал

#### Сангзор дарёси сувининг санитар ҳолатини сапроб сувўтлари индекси бўйича баҳоланиши

Дарё қисмлари	Учраш даражаси суммаси, $\sum h$	Учраш даражаси суммаси (h) ва сапроблик даражаси (s), $\sum(h*s)$	Сапроблик биоиндикацияси		Сувнинг сифати	
			Сапроблик индекси $S_i$	Сапроблик зонаси	Синф	Разряд
Юқори	411,5	518,5	1,26	α – о	2	2б
Ўрта	484,9	690,7	1,42	α – о	2	2б
Қуйи	182,1	308,1	1,70	β'	3	3а
Жами	1078,5	1517,3	1,46	α – о	2	2б

Изоҳ: Сапроблик зонаси: α – о – альфа – олигасапроб, β' - бета – мезосапроб; Сувнинг сифатига кўра: 2 – тоза, 3 – қониқарли тоза; Разрядига кўра: 2б – тозароқ, 3а – етарлича тоза.

Оқим бўйлаб χ-, δ-сапроблар сони камайиб, β-, α-мезосапроблар ортди. Ўрта оқимда ρ-сапроблар пайдо бўлди. Бу сапроблик даражаси (411,5; 484,9; 182,1) ва сапроблик индексининг (1,26; 1,42; 1,70) ошишига олиб келди. Дарё оқими бўйлаб сапроб зоналари α-δ-сапробдан β<sup>1</sup>-мезосапробгача; синфи 2 дан 3 гача, разряди 2б-3а га ортди.

## ХУЛОСАЛАР

«Сангзор дарёси альгофлораси» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Сангзор дарёси альгофлораси 522 тур ва тур хилларидан иборат, улар 7 бўлим, 14 синф, 24 тартиб, 47 оила, 100 туркумга мансуб. Сувўтлар орасида Bacillariophyta (355) бўлими етакчилик қилиб, жами флоранинг 68 % ташкил этди. Кейинги ўринларни Chlorophyta (85; 16,28 %), Cyanophyta (56; 10,72%), Euglenophyta (15; 2,87 %), Xanthophyta (7; 1,34 %), Rhodophyta (2; 0,38%), Chrysophyta (2; 0,38%) бўлимлари эгаллайди.

2. Альгофлорада таркибида 8 синф етакчилик қилади. Улар 503 (96,4%) турни ўз ичига олади. Етакчи тартиблар 10 та бўлиб, жами альгофлорани 491 турига (94%) га эгаллик қилади. Етакчи оилалар 10 та (412, 78,9%), етакчи туркумлар 14 тани (328, 62,8%) ташкил этади. Альгофлорадаги турларнинг туркумларга нисбатан спектри: Bacillariophyta-9,59; Chlorophyta-2,57; Cyanophyta-3,29; Euglenophyta-3,0; Xanthophyta-1,75; Rhodophyta-1; Chrysophyta-1; турларнинг оилаларга: Bacillariophyta-35,5; Chlorophyta-4,25; Cyanophyta-6,22; Euglenophyta-7,5; Xanthophyta-1,75; Rhodophyta-2; Chrysophyta-2 дан иборат. Бу Сангзор дарёси алоҳида альгологик ҳудуд эканлигидан далолат беради.

3. Ўзбекистон альгофлораси учун 71\_тур ва тур хиллари (Cyanophyta-1, Rhodophyta-2, Xanthophyta-6, Chrysophyta-2, Bacillariophyta-35, Euglenophyta-6, Chlorophyta-19) аниқланди. Буни Сангзор дарёси альгофлоралари тадқиқ этилмаганлиги, ҳамда дарёда ўзига хос экологик муҳитнинг шаклланганлиги билан изоҳланади.

4. Дарёнинг юқори қисмидан ўрта қисмига томон турлар сони ва миқдорининг ортиб боришига (282-351) ҳароратнинг ортиши, оқим тезлигининг пасайиши, минераллар миқдорининг ошиши ижобий таъсир кўрсатган бўлса, аксинча ўрта қисмдан куйига томон турлар сони ва миқдорининг камайиши (351-188) тиниқликнинг сезиларли камайиши, минераллар миқдори ва органик моддаларнинг кескин ортиши билан изоҳланади.

5. Сувининг ҳарорати фаслларда ўзгарувчан бўлганлиги туфайли баҳорда 99 (18,96%), ёзда 251 (48,08%), кузда 210 (40,23%), қишда 157 (30,07%) тур ва тур хиллари аниқланди. Дарё сувининг минераллашуви альфа-гипогалиндан альфа-олигогалингача ўзгариб бориши натижасида сувўтларининг турлари ва улар сонининг ўзгариб бориши кузатилади.

6. Олиб борилган таҳлиллар натижасида альгофлора таркибидан аниқланган 134 тур индикатор-сапробларнинг 93 диатом, 18 яшил, 15 кўк-яшил, 6 эвглена, 1 сариқ-яшил ва 1 тури тилларангларга мансуб. Баҳорда индикатор-сапроб турларнинг 37 та, ёзда 93 та, кузда 68 та, қишда 57 тури учраши билан изоҳланади.

7. Дарё оқими бўйлаб  $\chi$ -сапроб ва  $\delta$ -сапроблар сони камайиб,  $\beta$ -, $\alpha$ -мезосапроблар миқдорининг ошиб бориши сув таркибида органик

моддаларнинг миқдори билан ўзаро боғлиқ бўлиб, сапроблик индексининг ошиши (1,26; 1,42; 1,70), сувнинг сифатини 2 (тоза) синфдан 3 (қониқарли сув) синфгача, разрядини 2б (тозароқ) дан 3а (етарлича тоза) гача пасайиб борди.

8. Альгофлора таркибидан аниқланган 27 тур  $\chi$ -сапроб, 31 тур  $\delta$ -сапроб, 63 тур  $\beta$ -мезосапроб, 11 тур  $\alpha$ -мезосапроб ва 2 тур  $\rho$ -сапроб турлар сув ҳавзаларининг экология-санитария ҳолатини мониторинг қилиш учун тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.30.08.2018.V.02.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ИСМАТОВА ЗУЛАЙХО АСАДОВНА**

**АЛЬГОФЛОРА РЕКИ САНГЗАР**

**03.00.05 – Ботаника**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.3.PhD/B111.**

Диссертационная работа выполнена в Жиззакском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Алимжанова Холисхон Алимжановна</b> доктор биологических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Буриев Сулаймон</b> доктор биологических наук, профессор <b>Хайдаров Хислат Қудратович</b> доктор биологических наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Гулистанский государственный университет</b>

Защита диссертации состоится «25» декабря 2018 года в «14<sup>00</sup>» часов на заседании Научного совета PhD.30.08.2018.B.02.08 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Актовый зал факультета биологии Самаркандского государственного университета. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс (+99866) 239-11-40; E-mail: [devonxona@samdu.uz](mailto:devonxona@samdu.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрировано за № \_\_\_\_). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15, Центр информационных ресурсов. Тел.: (+99866) 239-11-51), E-mail: [m\\_nasrullaeva@mail.ru](mailto:m_nasrullaeva@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » декабря 2018 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от « \_\_\_\_\_ » 2018 года)

**З.Т. Ражамуродов**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.б.н.,  
профессор

**М.С. Кузиев**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, к.б.н.,  
старший научный сотрудник

**Хайдаров Х.К.**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению учёных  
степеней, д.б.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Процессы изменения в мире в естественных водных экосистемах, происходящие в результате климатических, антропогенных и экологических воздействий влияют на видовой состав альгофлоры, в частности, рек и водоемов. В связи с этим, изучение биоразнообразия естественных водоемов, инвентаризация видового состава флоры, выявление их современного состояния и сохранение видов растений имеет важное научно-практическое значение.

Мировые альгофлористические исследования направлены на выявление таксономического разнообразия естественных водоемов и оценку степени трансформации альгофлоры на территориях с сильным антропогенным прессингом. В этом отношении, выявлено изменение разнообразия альгофлоры трансграничных рек, протекающих территории больших городов, оценены факторы, влияющие на степень трансформации и обосновано значение индикаторно-сапробных видов в загрязнении воды. Своеобразный источник питания и горное месторасположение реки Сангзар приводит к разнообразию представителей ее альгофлоры. В последние годы увеличение населенных пунктов на территории реки, увеличение поголовья скота и притоков сточных вод в нее являются причиной существенного изменения альгофлоры реки. С этой точки зрения, определение современного видового состава альгофлоры реки, обоснование влияющих на нее факторов и оценка возможностей использования перспективных видов в производстве имеет важное значение.

На сегодняшний день в республике большое внимание уделяется на охрану ресурсов пресных водоемов и сохранение биоразнообразия представителей растительного мира. В этом отношении, достигнуты значительные результаты, в том числе, по определению разнообразия перспективных водорослей, созданию коллекций, внедрению в практику очистку сточных вод с помощью водорослей. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>1</sup> намечены задачи «... предотвращение отрицательно влияющих на окружающую среду проблем, развитие объектов ирригационной отрасли». Исходя из этих задач, изучение альгофлоры реки Сангзар, таксономический анализ, обоснование изменения по течению реки и по сезонам года в результате экологических факторов и оценка эколого-санитарного состояния воды реки индикаторно-сапробными видами имеет важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Постановлением

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

Президента Республики Узбекистан ПП-3286 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов» от 25 сентября 2017 года, также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики:** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Исследования, направленные на таксономический состав альгофлоры водоемов проведены учеными В. Zarei Darki (2004), D.D. Olding et al. (2000), а также в странах СНГ учеными П.М. Царенко (2005), Н.А. Кожевникова (2000), В.Г. Девяткин (2003), З.П. Оглы (2007).

По анализам научных литератур, то есть А.М. Музаффаров (1960, 1965, 1981), А.Э. Эргашев (1974, 1977), М.А. Кучкорова (1974, 1990), С.А. Халилов (1971, 1976), Р.Ш. Шоякубов (1979), Р.Ш. Шоякубов и др. (1986, 1976, 1977), А.Е. Ельмуратов (1977), Ш.И. Коган (1972), Ш.И. Коган и др. (1985), Б.К. Каримова (1972, 1996), Х.А. Алимжанова (1991, 2005), Х.А. Алимжанова и др. (1990, 1996, 2008), М.А. Шайимкулова (2007), М.А. Шайимкулова и др. (2007), Н.Ш. Эшмуродова (2010), Х.Э. Эргашева (2017), Й.Ш. Ташпулатов (2018), альгофлора реки Сангзар, являющийся основным водоемом Джизакской области, ранее никем не изучена и по этому вопросу в литературах отсутствуют данные. В связи с этим, изучение видового состава альгофлоры реки Сангзар, их таксономический анализ, распространение по течению, сезонное развитие, экологические особенности и оценка эколого-санитарного состояния воды с распространенными в реке индикаторно-сапробными видами имеет важное значение.

**Связь темы диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена работа.** Данное диссертационное исследование выполнено в рамках планов научно-исследовательских работ прикладного проекта ФА-А9-Т005 «Перспективные водоросли, встречающиеся в локальных и других флорах, поиск и подбор реликтовых, редких и исчезающих видов водных и водно-болотных растений с целью создания их коллекции» (2009-2011).

